

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2018 йил декабрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят Тошлоқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья А.А.Хабибуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Омоновнинг котиблигида, Тошлоқ туман прокурори Б.Исмоилов, “QUDRATLI QALQON” адвокатлик бюроси адвокати Л.Н.Маматқулов, судланувчи К.Худаяров, жабрланувчилар Б.Б.Ахмедов, М.А.Рахимова, М.Худаярова, М.С.Исмойилова, М.А.Кузиева ва К.Э.Қодированинг иштирокида,

Худаяров Кенжа (Xudayarov Kenja)–21.12.1943 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, етти нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақада, Ёзёвон тумани, Қатортол маҳалласи, Бобур кўчаси, 536-уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1517-1801/105-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов материалларига кўра Худаяров Кенжа 2018 йил 26сентябрь куни соат 13-30 ларда К.Худаяров тегишли “Дамас” русумли 40 С 384 QA давлат белгили автомашинани Қатортол маҳалласидан, Мингчинор маҳалласига ўтиш учун тартибга солилмаган чорраҳадан асосий йўл бўлган Марғилон-Мингбулоқ йўлига чиқиб юборганлиги учун йўлнинг Марғилон шаҳри томон ҳаракатланиб келаётган Б.Ахмедовнинг бошқарувидаги “Нексия” русумли 50 М 124 JA давлат белгили автомашина билан тўйнашиб кетган.

Натижада “Нексия” автомашинаси ҳайдовчиси Б.Ахмедов, йўловчилар М.А.Рахимова, М.Худаярова, М.Исмойилова, Қ.Қодирова, ва М.А.Қўзиевалар тан жароҳати олиб даволаниш учун туман марказий шифохонасига мурожат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги 370-сонли қарори билан тасдиқлаган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 104-бандида «Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада, иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий йўлдан яқинлашаётган транспорт воситаларига, уларнинг кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, йўл бериши керак»-деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, йўл-транспорт ходисаси содир этиб, Натижада “Нексия” автомашинаси ҳайдовчиси Б.Ахмедов, йўловчилар М.Кучқарова, М.Худаярова, М.Исмойилова, Қ.Қодирова, ва М.Қўзиевалар тан

жарохати олиб даволаниш учун туман марказий шифохонасига мурожат қилинган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 02.10.2018 йилдаги 1771-сонли хулосасига кўра Б.Ахмедовни чап қошининг ички бурчак соҳасидаги, ўнг тирсак бўғимини ташқи юзасидаги шилинма аниқланган бўлиб, бу тан жароҳатлари 6 кундан кам давом этувчи енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 04.10.2018 йилдаги 1801-сонли эксперт хулосасида, М.А.Рахимованинг бош мия чайқалиши пешона соҳасидаги, чап тизза бўғимини устки юзасидан шилинма аниқланган бўлиб, бу тан дароҳатлар 6 кундан кўп 21 кундан кам давом жтувчи соғлиқни бузилишига сабабчи бўлган енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 06.10.2018 йилдаги 1814-сонли эксперт хулосасида, М.Исмоилованинг ўнг кўкрак соҳасини юмшоқ тўқимасини лат ейиши қонталаш ва шилинган жароҳати, ўнг елка бўғими соҳасидаги юмшоқ тўқимасини лат ейиши аниқланган булиб, бу тан жароҳатлари 6 кундан кам давом этувчи енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий тиббий экспертизанинг 06.10.2018 йилдаги 1815-сонли эксперт хулосасида, М.Қўзиёванинг чап юз, бурун соҳаларини шилинмалари аниқланган булиб, бу тан жароҳатлари 6 кундан кам давом этувчи енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий тиббий экспертизанинг 08.10.2018 йилдаги 1816-сонли эксперт хулосасида, М.Худоёрованынг кўшалок оғир тан жароҳати, юз суякларини кўплаб синиши кўкрак қафасини чапдан 11-12-қовурға суякларини ёпиқ синиши, иккала ўпка пастки бўлакларини лат ейиши, чап қўл билак нурсимон суягини ёпиқ синиши, бош мия чайқалиши, бурун суягини ёпиқ синиши бурун, чап курак, чап қўл билак, чап кўкрак қафаси, пастки лаб соҳаларини юмшоқ тўқималарини лат еганлитги, пастки лаб, чап қош олмаси конюктиваси остига қон қуйилганлиги, пешона, бурун, ўнг юз, пастки лаб, ияк, ўнг қўл кафти соҳаларида шилинмалар аниқланган булиб, бу тан жароҳатлари 21 кундан кўп давом этувчи узоқ муддатга соғлиқни бузулишига сабабчи бўлган ўрта оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида судланувчи К.Худаяров ва жабрланувчилар Б.Б.Ахмедов, М.А.Раҳимова, М.Худоярова, М.С.Исмойилова, М.А.Кузиева ва К.Э.Қодирова ариза билан мурожат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Судланувчи Худаяров Кенжа суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

жабрланувчилар Б.Б.Ахмедов, М.А.Рахимова, М.Худоярова, М.С.Исмойилова, М.А.Кузиева ва К.Э.Қодировалар суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризаларини қувватлаб, К.Худаяровга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини, аризаларини ўз хоҳишлари билан ёзишганлигини, уларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушинишганликлари ҳақида кўрсатув беришиб, жиноят ишини тагатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд мажлисида жабрланувчилар Б.Б.Ахмедов, М.А.Рахимова, М.Худоярова, М.С.Исмойилова, М.А.Кузиева ва К.Э.Қодировалар ва судланувчи К.Худаяровларининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошлоқ туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Исмоиловнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи К.Худаяровнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва жабрланувчиларнинг зарар бўйича ҳеч қандай даъволари йўқлигини, жабрланувчилар ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, К.Худаяровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчилар Б.Б.Ахмедов, М.А.Рахимова, М.Худоярова, М.С.Исмойилова, М.А.Кузиева ва К.Э.Қодироваларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушинтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланувчи Худаяров Кенжага нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

С.Э.Ахмедовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчилар Ахмедов Бобуржон Ботиржон ўғли, Худоярова Минавархон, Исмойилова Муборакхон Султоновна, Қодирова Кумуш Эсойевна, Кузиева Мавлуда Абдисалимовна ва Рахимова Малуда

Абдупаттаевналарга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушинтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья

А.А.Хабибуллаев